

УДК. 1.17.1/4

М.С.Уринбаева, Фарғона политехника институти “Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, Фарғона шаҳар, Ўзбекистон

М.С.Уринбаева, старший преподаватель, кафедры «Истории Узбекистана и общественных наук» Ферганского политехнического института, г. Фергана, Республика Узбекистан.

M.S.Urinbayeva, Senior Lecturer, Department of "History of Uzbekistan and Social Sciences", Fergana Polytechnic Institute, Fergana, Republic of Uzbekistan.

**“ТАБИАТГА ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТ ВА МАДАНИЯТ”.
"ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ОТНОШЕНИЕ К ПРИРОДЕ И
КУЛЬТУРА".**

"Ecological attitude to nature and culture".

Аннотация: Ушбу маколада инсониятнинг табиатга бўлган экологик муносабатлари тарихи ва уларнинг ахлоқий жихатларининг айrim масалалари таҳлил килинган.

Аннотация: В статье анализируется история экологических отношений человека с природой и некоторые вопросы их моральных аспектов.

Abstract: This article analyzes the history of human ecological relations with nature and some issues of their moral aspects.

Таянч сўзлар: Экологик ахлоқ, “Авесто”, ахлоқий нормалар, тасаввуф, маънавий-ахлоқий мерос.

Ключевые слова: экологическая этика, «Авесто», нравственные нормы, мистицизм, духовно-нравственное наследие.

Keywords: Ecological ethics, "Avesto", moral norms, mysticism, spiritual and moral heritage.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсон ва табиат муносабатларига турли услугубий ёндошувлар, муқобил илмий қарашлар,

баҳолаш мезонлари шаклланган бўлиб, унинг сабабларини экологик онгнинг даражалари, парадигмалари ўзгаришидан қидириш керак. Лекин, ижтимоий муносабатлар моҳиятини, ривожланиш даражасини баҳолайдиган мезонлар таркибида экологик ахлок доимо устувор аҳамият касб этган. Масалан, Зардушт таълимотига кўра, табиатга нисбатан қилинган ҳар қандай ваҳшийлик катта гуноҳ ҳисобланган[1] ва инсоннинг табиатга муносабат мезонлари, уни муҳофаза қилиш масъулияти ва бурчининг ахлоқий нормалари, табиатга нисбатан қилинган ҳар қандай жиноят учун жазо кодекси ишлаб чиқилган[2].

Айни пайтда, Шарқнинг буюк файласуфлари Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа мутафаккирлар ижодида ахлоқнинг “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришдаги роли ҳақидаги назарий хулосалар, методологик тавсиялар, амалий таклифлар ҳозир ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган[3].

Ислом динининг худудимизга кириб келиши ва мавқеини мустаҳкамлаб бориши билан, Қуръон ва ҳадисларга асосланган теологик-фалсафий таълимотларда инсоннинг табиатга муносабатидаги маънавий-ахлоқий жиҳатлар илоҳий эътиқод нуқтаи назаридан ёритилган. Хусусан, тасаввуф фалсафасининг экологик ахлоққа оид таълимотларида умуминсоний (маълум маънода, дунёвий) ва ислом дини маънавий-ахлоқий қадриятлари уйғунлашуви намоён бўлганини кўрамиз.

XVI-XIX асрларда ижод қилган алломалар таълимотларининг энг муҳим аҳамияти, экологик танглик сабабларини ва унинг оқибатларини жамиятдаги маърифатсизлик, маънавий қашшоқлик билан боғлаб кўрсатилишини ахлоқий детерминизмнинг тизимлашган шакли сифатида қараш мумкин.

Ҳар қандай тарихий даврда миллий экологик ахлоқий нормаларнинг умуминсоний манфаатларга мос келиши, уларнинг гуманистик моҳиятидадир. Зоро, “ижтимоий-экологик инқиrozлар амалий

инсонпарварликни тақозо қиласи. Ҳақиқий глобал онг ва умумжахон маданиятини... ахлоқ инвариантлари бирлаштириб тураси. Янги экологик тафаккур зўровонлик бўлмаган анъанавий инсонпарварлик билан уйғунлашиши зарур... Экологик гуманизм Шарқ ва Ғарб анъаналари кесишган жойда тураси”[4]. Эндиликда бунинг мазмуни ғоят кенгайиб, фақатгина инсонларга ғамхўрлик эмас, балки бутун оламга ахлоқий муносабатлар устуворлашмоқда. “Ҳозирги замондаги экологик дунёқарашда ахлоқнинг навбатдаги инсонпарварлик босқичи намоён бўлмоқда, - деб ёзади, профессор Н.Н.Марфенин. Энди гап факат замондошлар ўртасидаги ўзаро хурмат ҳақида эмас, балки шу билан бирга, келгуси авлодларнинг фаровон яшашлари учун ғамхўрлик, биз билан бирга яшаётган барча тирик мавжудодлар учун “умумий уй” бўлган биосферани сақлаш ҳақида бормоқда”[5].

Юқоридаги фикрлvrни умумлаштириб, қўйидаги хулосаларга келишимиз мумкир:

биринчидан, экологик ахлоқий нормаларнинг вужудга келиши объектив жараён бўлиб, конкрет тарихий экологик вазият тақозосидир;

иккинчидан, “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини бошқариш заруриятига доир муқобил экологик ахлоқий таълимотлар жамият ривожланиш даражасига мос келади;

учинчидан, биосфера экологик мувозанати, табиатни муҳофаза қилиш маънавий-ахлоқий нормалар фаолияти учун объектив шарт-шароитларни ва субъектив омиллар тизимини тақозо қиласи;

тўртинчидан, “табиат-жамият-инсон” муносабатлари ҳақидаги тарихий меросни ижодий ривожлантириш, унинг самарали усул-воситаларига боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент:“Шарқ”, 2001. -Б. 114.

2. Абдукамилов Р. Авестийские текст о государственности и праве: вопрос генезиса и эволюции структур. Ўзбекистон тарихи, 2000, 3 сон, 22 бет.
3. Бизнинг тадқиқот мавзуимиз доирасида ҳозирги давринг муаммолари қўйилганлигидан, унинг тарихини батафсил ёритишга диссертация, айниқса автореферат имконияти чегараланганиги учун алоҳида эътибор бера олмадик. Зоро, экологик ахлоқ тарихининг ҳар бир даври ёки йўналиши маҳсус диссертация ёки монографик тадқиқот мавзуси бўлишга арзийди.
4. Экологическая этика. www.ronl.ru/puti_resheniya_ekologicheskikh_problem/15847.htm
5. Марфенин Н.Н. Гуманизм и экология. Журнал “Экология и жизнь” (избранные статьи). Стр. 6. <http://www.ecolife.ru/jornal/echo/2000-5-1.shtml>
6. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Тошкент. 1997 й
7. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент 1996й
8. А.А.Мадаминов. Влияние СМИ на политическую культуру молодёжи. Вопросы науки и образования. 2018. 7 (19).
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=_3waDc4AAAAJ&citation_for_view=_3waDc4AAAAJ:HoB7MX3m0LUC
9. А.А.Мадаминов. “Морально-нравственное формирование человека в трактатах учёных Фараби и Бируни”. Достижения науки и образования, 2018. №13. 48стр.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=_3waDc4AAAAJ&citation_for_view=_3waDc4AAAAJ:UeHWp8X0CEIC